

ИСТИҚЛОЛ ВА ВАТАНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИ РУҲИДА

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ИШЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА БАҒИШЛАНГАН ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисидаги Фармони жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафқуранни шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Ҳеч муболағасиз тарихий бу ҳужжат мустақил давлатимиз фуқароларига ўзликларини чуқур англашлари, миллий тафаккурнинг кейинги ва такомиллашувига, тарихий ҳурлик, мустақиллик руҳининг уйғонишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Ҳозир жойларда Президент Фармони асосида «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ҳамда унинг бўлимлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўрилмақда.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида ўтказилган илмий-амалий конференция ҳам худди шу масалага бағишланди. Уни Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Аҳмажон МИРЖАЛИЛОВ очди ва оlib бoрди.

ИСЛОҲОТЛАР ТАҚДИРИНИ БЕҒИПЛАЙДИ



Садриддин САЛИМОВ,

«Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази Тошкент шаҳар бўлимининг раиси, техника фанлари доктори, профессор:

— Президентимизнинг маънавият соҳасида олиб бораётган ишларимизни янада такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган Фармони ўз аҳамияти жиҳатидан мустақил давлатимизда энг муҳим ислохотларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳужжатлар билан баъбаробар қимматга эгадир. Шунинг айтиш киёвчи, маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг асосий, устивор йўналиши, деб ҳисобланмоқда. Жойларда маънавият билан боғлиқ ишларнинг амалга оширилиши учун бутун масъулият биринчи раҳбарлар зиммасига юклатилди.

Аслини олганда ҳозирги пайтда ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг тақдирини жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтиришга боғлиқдир. Фуқароларимизнинг маънавиятини оширмасдан туриб туб ўзгаришлар қилишга умид қилиб бўлмайди.

Буни кўпгина, ҳозир жуда тараққий этган мамлакатлар тажрибаси ҳам тасдиқлаб турибди. Жумладан, Япония ва Жанубий Кореяда барча ислохотлар, энг аввало, одамлар маънавиятини юксалтиришдан бошланган. Бунинг учун бу давлатлар кучни ҳам, маблағни ҳам, вақтни ҳам ҳеч аямганлар. Ҳозирги кунга қадар Жанубий Корея ва Японияда ҳар иш кўни бошланишидан аввал, албатта, ҳодимлар билан ўн дақиқа мобайнида маънавиятга бағишланган мулоқотлар ўтказилади. Ана шу қисқа вақт ичида раҳбар ўз ҳодимларининг кайфияти билан ҳам, улар қандай китоблар ўқиганлиги, қайси театр ёки кўргазмада бўлганлиги, жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишлари, оила-ларидида аҳвол ва бошқа турли-туман масалалар билан қизиқиш қилишга унградиладар. Бу эса бутун иш кўни жуда унумли бўлишига қўйилган мустақам пойдевор ҳисобланади.

Биз ҳам маънавиятнинг юксалтириш дастурлари ва режаларини ишлаб чиқар эканмиз, аввало олдимизда турган вазифаларни аниқ-равшан белгилаб олишимиз лозим. Биринчидан, маънавий ва маърифий ишлар ҳамма жойда — боғча ва ўқув юртлари, ташкилот, муассаса ва корхоналарда, маҳаллалар, аҳоли истиқомат қиладиган жойларда мунтазам олиб борилиши шарт. Шу билан бирга бу ишлар устивор бўлиши жуда муҳим бўлган муассаса ва идораларни алоҳида кўрсатиш зарур. Ўқув юртлари, маданият муассасалари, маҳаллалар, оилалар худди ана шулардир.

Иккинчидан, маънавият ва маърифат ишларимиз йўналишларини ҳам пухта белгилаб олишимиз керак. Биз ҳукуқий демократик давлат, фуқаролар жамияти қураётган эканмиз, ҳамма жойда қонун устиворлиги таъминланиши даркор. Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларини кенг тарғиб қилиш маънавий-маърифий ишларимиз марказига қўйилмоғи лозим. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг туб моҳияти Президентимиз асарлари ва нутқларида батафсил баён этилган. Фуқароларимиз томонидан уларнинг тўлиқ ва чуқур эгалланишини таъминлаш энг муҳим вазифамиздир.

Бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, шунингдек умуминсоний қадриятларга ҳурматни тарбиялаш ҳам фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга биз маънавий ва маърифий ишлар узлуксиз бўлиши кераклигини доимо ёдда тутишимиз даркор. Жамиятимиз аъзоларида юксак маънавий фазилатларни камол топтириш боғичдан бошланиб, мактабларда, олий ёки ўрта махсус ўқув юртларида давом эттирилиши даркор. Бу иш корхона ва ташкилотларда ҳам, маҳаллаларда ҳам доимий равишда олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Шу муносабат билан Собир Раҳимов туманида ягона маънавият кўни, жорий атиланлигини ибрат олса арзигulik иш, деб баҳолаш керак. Мирзо Улугбек ҳокимлиги эса маънавият ва маърифат ишларини амалга ошириш юзасидан кенг қамровли дастур ишлаб чиққан. Шайхонтоҳур туманида маҳаллаларда тарғибот ва ташвиқот ишлари яхши йўлга қўйилганлигини мамнуният билан қайд этиш мумкин. Ҳозирги пайтда маънавият ва маърифат соҳасида Акмал Икромов ва Бектемир туманларида ҳам диққатга молик ишлар бошланганлигини айтиш мумкин.

Аминмизки, Тошкент шаҳрининг ҳамма туманлари, корхона ва ташкилотлари, ўқув юртлари, муассасалари, маҳаллаларида юксак маънавий фазилатларни камол топтиришга умумдавлат аҳамиятга молик масала, деб ёндошилади.

ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ



Фарида АБДУРАХИМОВА, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг раиси:

— Пойтахтимиз аҳолисининг яримдан кўпрогини хотин-қизлар ташкил этади. Улар ўрта-сида маънавият ва маърифат ишларини Президентимиз Фармонида кўзда тутилган даражага кўтариш барча хотин-қизлар кўмиталарининг энг муҳим вазифасидир.

Халқимизда «Бола бошидан» деган аjoyиб нақл бор. Ҳақиқатан ҳам маънавий баркамол инсон оилада шакллана бошлайди. Шундай экан, маънавият ва маърифат ишлари энг аввало оилада рисоладагидек йўлга қўйилиши лозим.

Бу ерда айтилганидек, тарбия ишлари ягона бир ҳалқадек узлуксиз бўлиши энг асосий масаладир. Фарзандларнинг боғчада маънавиятларини бойтадиган тушунарларни мактабларда, олий ўқув юртлари ва техникумларда муттасил такомиллаштириб бориш, улар тафаккурларининг кенгайиб, эътиқодларининг мустақамлигини боришини таъминлаш керак.

Бу эса кун тартибига ана шундай жуда кенг қамровли, Президент Фармонидан белгиланган мақсадларни қамраб оладиган махсус дарслик яратилишини давр тақозосига айланганмоқда. Бундай дарслик ёки қўлланмалар аниқ мақсад — маънавиятни юксалтиришга қаратилган ҳолда боғичлар учун алоҳида, мактаблар учун алоҳида, олий ўқув юртлари учун алоҳида бўлгани маъқул.

Бугунги кунда ҳаётимизда учраб тураётган турли муаммолар маънавият, ахлоқ, одоб, таълим-тарбия масалаларига ҳамма жойда ҳам етарлича эътибор берилмаётганлиги оқибатидир. Масалан, хотин-қизлар кўмиталарига тушаётган аксарият ариза ва шикоятларда опа-сингилларимиз ўтиш даврининг иқтисодий қийинчиликларига эмас, балки турли хизмат кўрсатиш соҳаларида, соғлиқни сақлаш муассасаларида ўзларига нисбатан беҳурматлик билан, баъзан

эса кўпол муносабатда бўлаётганларидан нолийдир.

Ижтимоий адолат ҳам жамиятдаги юксак маънавият мезони ҳисобланади. Агар биз ҳамма масалада адолатга таяниб иш кўрсак, бу билан одамларда маънавий фазилатларни шакллантириб борган бўламиз. Ҳозирги вақтда ҳали ҳаётимизда учраб турган адолатсизлик ҳоллари эса уларда норозилик кайфиятлари туғдиришига олиб келади.

Президент Фармонидан олға силжиишимизда, фаровон жамиятга тезроқ етишимизда маънавиятнинг қиммати кўрсатиб берилган. Хотин-қизлар кўмиталари буни тушушган ҳолда маънавият соҳасида олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштирадиган.

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ ФУҚАРОСИ МАСЪУЛИЯТИ



Гулнора ГОФУРОВА, «Машъал» марказининг маърузачиси, филология фанлари доктори, профессор:

— Маънавий бойлик, гўзаллик дейилганда Истиқлолнинг, Ватаннинг қадрига етadиган, ўзигини англаган инсон фазилатлари тушунади. Биз маънавият, маърифат соҳасидаги ишларимизни ҳам жамиятимиз аъзоларида мустақил давлат фуқароси масъулиятини, XXI аср кишиси дунёқарашини шакллантиришга қаратишимиз даркор.

Маълумки, ақлий меҳнат энг оғир меҳнат ҳисобланади. У кунт ва ирода билан бир қаторда ички интизомни ҳам талаб этади. Келгуси аср кишиси замонавий фанлардан яхши хабардор бўлиши, ўз касбини мукамал эгаллаши шарт.

Ўзбекистон жаҳон ҳам-жамиятига дадил кириб бораётган бугунги кунда д а в л а т и м и з фуқароларидан хорижий тилларни ўрганиш ҳам талаб этилмоқда. Аслида ҳар бир инсоннинг бир неча тилини билиши унинг маънавий дунёси кенглигидан далолат беради. Бугунги кунда тил ўрганиш учун ҳамма шарт-шароитлар бор. Ҳамма гап одамларимизда, аниқка ёшларимизнинг бунга қизиқишларида, қатъиятларида қолган.

Маънавий дунёси гўзал инсон албатта меҳнатсевар бўлади. У ўз меҳнати билан маҳалла, шаҳри, юртини обод, оиласининг ҳамда ватандошларининг

дастурхонини тўкин қилаётганлигидан гурурланади. Бу соҳада янада салмоқлироқ натижаларга эришиш учун тағин ҳам унумлироқ ва самаралироқ меҳнат қилишга интилади. Демак, биз одамларда меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш билан улар маънавий дунёсини ҳам бойитган бўламиз.

Инсоннинг ақли, идроки устун бўлса ҳам маънавий гўзаллик кишиларнинг жамиятда ўзини қандай тутишига, ташқи қўриниши, кийинишига ҳам муайян даражада боғлиқдир. Айниқса, одамларда муомала маданиятини ш а к л л а н т и р и ш н и н г аҳамияти катта. Шарқда ҳамиша ширинсуханлик, назокат билан муомалада бўлиш юксак қадрланган. Бугунги тезкор даврда ҳам ана шу қадр-қиммат юқори баҳоланади.

Бутун тарбиявий ишларни мустақил давлатнинг камол топан фуқаросини тарбиялашга қаратиш ҳам-манинг олдида турган жуда муҳим вазифадир.

КУНДАЛИК ИШ



Турсуноя СОДИКОВА, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг бўлим мудири:

— Бугун ушбу анжуманда «Маънавият ва маърифат» бўйича алоҳида дарслик тайёрлаш юзасидан билдирилган фикрга тўла-тўқис қўйилган ҳолда бу ишнинг ўзи билан чегаралаб қолмаслиги зарурлигини таъкидламоқчиман. Шундай дарсликни яратишга қолмасдан уни мактабларимизда ҳам, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ҳам ўқув дарслари дастурига фан сифатида киритиш лозим.

Умуман олганда маънавият ва маърифат ишларини фақат кўп кишилик тадбирлар ўтказиш, тўғри ва чироийи широрлар ёзиб, кўчаларга, деворлар пештоқларига илиб қўйиш маъносидан тушуниш хато бўлур эди. Аслини олганда эса бу доимий ва кундалик ишдир. У билан ҳар кун, ҳар соат ва ҳамма жойда

шугулланиш лозим ва зарур.

Бизнинг маънавият ва маърифат масалаларига қарашимизни ҳам ўзгариштиришимизга тўғри келадиганга ўхшайди. Шахсан, фикримча, мактабларимизда ашула дарсида ўқувчиларни ашула айтишига эмас, балки бу ашула, куй ва қўшиқ маъносини тушунишга ўргатиш керак. Инсонда истеъдод бўлса у мактабдаги ашула дарсида олган сабоқлари орқалигина хонанда бўлиб етишмайди. Ашулачи тайёрлаш мактаб вазифасига кирмайди. Лекин ҳар бир ўқувчини санъат сеҳрига ошно қилиш ўтиладиган ашула дарсининг туб моҳиятини ташкил қилиши лозим. Худди шунингдек, расм дарсларида ҳам ўқувчилардан мусавир тайёрлашдан кўра, кўпроқ уларда санъат асари гўзаллигини, кенгрок маънода эса табиатимиз, она-Ватанимиз гўзаллигини тушуниш ва идрок этишини тарбиялаш муҳимроқдир.

Кишиларимиз маънавий дунёсини бойитиш тўғрисида кўпроқ ўйлашимиз керак. Бугунги кунда оила ҳамиша муқаддас, деб ҳисоблаб келинган бизнинг юртимизда ҳам акралишлар кўпайиб кетганлиги ташвишлангирмай қолмайди. Бу акралишларни оиладаги турмуш мураккабликлари, рўзгор қийинчиликларига боғлаб қўйиш нотўғри бўлур эди. Катъий ишончимга кўра, бизнинг ёшларимизда келин-куёвлик илмининг, ота-оналаримизда қайноналик ва қайноналик илмининг етишмаслиги бу муаммонинг асл ўқ илдизларидир. Бунга Акмал Икромов туманида олиб борган «Оила илми» машғулотларида тўлиқ ишонч ҳосил қилдик. Агар имконият бўлса ана шу сабоқларимизни олган опа-сингилларимиздан бу машғулотларнинг самарадорлигини сўраб чиқсак айни мудида бўлар эди. Ана шу сўров натижасида, эҳтимол, бундай машғулотларни нафақат ҳар бир туманда, балки ҳар бир маҳаллада ўтказиш зарурати туғилур.

Қалбини Истиқлол гурури, она-Ватанига меҳр-муҳаббат туйғулари алан-галадиган ёшларимизни на келажаги буюк давлат бунёдкорлари бўладилар. Бугунги авлод ўзида юксак маънавий фазилатларни муҳассамлангирган инсонлар бўлиб етишиши учун собитқадамлик билан иш олиб боришимиз зарур.

Илмий-амалий анжуманда сўзга чиққан «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази Яқкасарой туман бўлимининг масъул котиби Светлана КЛИМОВА таълим-тарбия ишларини йўлга қўйишда корхона ва ташкилот раҳбарларининг масъулияти, Собир Раҳимов тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдуразақ МУМИНОВ, аҳоли турар жойлари ва ўқув юртларида олиб борилаётган тарғибот ва ташвиқот ишлари тўғрисида гапирди.

Анжуманда Тошкент шаҳрида маънавий-маърифий ишларини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш ишларига оид тадбирлар белгиланди.

Рустам Шарипов олган суратлар.

Шаҳримизнинг Яқкасарой маҳалласи Бадриддин Ҳилолий кўчасидаги 101-хонадон бошқа уйлардан фарқи йўқдек туюлади. Аслида ундай эмас. Бу хонадон соҳиблари ҳақида гап кетганда маҳалладошлар уларнинг номини ҳурмат билан тилга олишади. Оила бошлиғи Рихси отанинг асрга тенглашган ёши, нуруний чехраси нафақат оиласига, балки бутун маҳалла аҳлига алоҳида фойда бағишлайди. Таниш-билишлари, яқинлари уларга ҳавас билан қарайди. Бу бежиз эмас, албатта.

1 октябрь — Халқаро қариялар кўни

АСР БИЛАН ЮЗЛАШГАН ОТАХОН

Асрга тенгдош мўтабар отахон билан бир пиёла чой устида суҳбатлашдик.

— Рихси ота, ёшингиз юздан ошибди, руҳан тетик-сиз. Бонси нимада?


— 1896 йилда таваллуд топанман. Мен ўсиб-ўлғайган оила оддий меҳнатқар эди. Отамнинг ҳам, онамнинг ҳам умри меҳнатда ўтган. Шу боис менинг ҳам умрим доимо ҳаракатда ўтди. Ёшлигимда кўп пиёда юрдим. Илгари транспорт қайда дейсиз? У пайтларда шаҳар ховли ва ҳар бир хонадонда бог ховлилари бўларди. Фарзандларимнинг барчаси ақли-ҳуши бўлиб ўсишди. Мени еру кўкка ишонишмайди. Кўнглим нимани тўсаса шуни топиб келишди. Умрларидан барака топишди. Тетиклигининг ана бир сабаби, Мастура аянгиз мени худди ёш боладек авайлаб, парвариш қилиб келмоқда. Бу ҳам менинг омадим...

Дарҳақиқат, Рихси ота жуда тўғри айтди. Аслида эр йигитнинг омади, ишининг бароридан келиши, асаби бў-тулиги, саломатлиги-ю кайфияти, хотиржамлиги, оиласидаги муҳит, энг яқин ҳамроҳининг муносабати билан чамбарчас боғлиқдир. Рихси ота ҳаёти давомида ана шундай беқийс маданий ҳис этиб келмоқда. Ўзининг оилага, эрга бўлган чинакам садоқати, феъли кенглиги ва жафокашлиғи билан фарзандлар тарбиялашда тоғдек таянч бўлди. Улар турли соҳалар бўйича олий маълумотли мутахассис бўлиб етишди.

Фурсатдан фойдаланиб Мастура аяни саволга тутаман.

— Бир ҳовлида тўрт оила турар экансизлар. Бу ўзаро муносабатларда қийинчилик туғдирмайдими?

— Тўғри, қўриб турганингиздек 22 жон мана шу ҳовлида



туради. Ҳаммалари тотув, бир-бирининг феълини тушунишади. Баъзан хайрон қоламан, ҳали турмуш қуришга улгурмай алоҳида яшашга интиладиган келинлар ҳам йўқ эмас. Умуман ёшлар катталарга суянишга ўтказмайди. Сабаби, ҳали у турмуш қийинчиликларини кўрмаган, тажрибаси етарли эмас. Қани айтинг, қайси ота-она ўз фарзандига ёмонликни раво қўради? Кўпчиликка нима етсин.

Ҳақиқатан, халқимиз беқорқа айтишмаган «Қариси бор унинг париси бор», деб. Рихси ота билан Мастура аялар-сиз маҳалланинг тўй-ҳашами ўтмайди. Гарчи тўйда бош-қош бўлиб тура олмасалар ҳам маслаҳатлари билан ёрдан берадилар. Ҳар бир туғилган чақалоққа, албатта, Рихси отанинг дуога очган қўллари кўтарилди. Уларнинг қилган дуо-ю фотихаларидан сўнг бола бешикка беланади.

— Пирү бадавлат оилалардан экансизлар. Фарзандларингиз топангани тўрт томондан тутишади. Лекин мана оёсишга, камтар ҳаётингизда рўзгор тўфайлими, фарзандлар бахонами ёки бошқа бирор сабаб билан келишмовчиликлар бўлганими?

— Тўғри, фарзандларимиз кўп эди, — дейди Рихси ота. — Лекин уларнинг кўпчилиги қизамик ва бошқа қасалликлардан вафот этиб кетишди. Тўрт нафар фарзандим қолди. Уч ўғил ва бир қиз. Ҳисоблаб қарасам 30 нафар неварам ва 40 га яқин чеварам бор. Албатта, фарзандларни воғна етказиш осон бўлмади. Ҳар қандай пайтда ҳам сабр-тоқат билан иш қўриш керак. Оғирчиликдан, меҳнатдан қочмадик. Ассосан, ота касбим қосибчилик билан уларни катта қилдим. Мастура аянгиз ҳам қараб тургани йўқ, уй-жой, бола-қаннинг меҳнатидан ортиб махси-хавуш тикканларимда тикишиб юборар, мойлар, ипларни таъбирдан беради. Бор нарсани эҳтиёт қилдик. Болаларнинг каттасининг қийинини қичигига қийдирик. Ёсини таниши билан ишга солидик, ҳунар ўрганишларига эътибор бердик. Ёйиш-ичишларидан сикмадик. Улар соғлом ўсишди.

Бу орада Мастура ая суҳбатга қўйилдилар.

— Ҳа, амаканигиз билан ўтган етмиш беш йиллик ҳаётимизда нималар бўлиб ўтмади. Фақат иккинчизнинг ўрта-мизда қолди. Ахир айтиладиган: «Қўшиқга айтсанг қўшиқ, овулга айтсанг ошадик», деб. То шу кунга қадар энг яқин маслаҳатчи ҳам, сўнгги сўзни айтгани ҳам амаканигиз. Мана кўриб турибсиз ҳам, ёмон бўлмади. Тўнчи ўғлимиз — Абдуғафур ўқитуви, Ҳожимурод хайдовчи, Манзура «Паризод» хиссдорлик жамиятида устоз, Абдусаттор эса ошпаз бўлиб ишлашди. Ўндан ортик неварам муаллимлик касбини эъзолади, ўнга яқини турли соҳалар бўйича тадбиркор, бешдан ошпк неварам эса хозирча талаба. Шўрқки, ҳаммалари меҳнат нима эканини, ҳалоллигини билишди. Шўнга қувонамиз.

Яқинда бу пирү бадавлат хонадоннинг соҳиби бўлиш Рихси отани Ўзбекистон Республикаси Президентини Илоҳ Каримов таваллуд топан кўнлари, яъни ўш ёшлари билан муборакбод етганлиги ҳақидаги хўшбад пойтахтимиз бўйича таралди.

— Шу кўнларда ҳаётингиздан нималар ўтпти?

— Юртимизнинг ҳур, озад бўлиши мен қаб қўпчилигининг орузи эди. Мана орузимиз ушладди. Истиқлол тўғрйли йиллар мобайнида унутилиб кетган яхши анъаналаримиз, маданий-маънавий қадриятларимиз тикланди. Айниқса, биз қаб кексаларга эътибор, исзат-ҳурмат қулайди. Мен қаб оддий бир кишини Ўзбекистон қаб улур бир юрт Президентининг табрик-лашининг ўзи катта бахт. Бунақаси ҳеч қайси замонда бўлмаган. Бу мени ва оиламиздаги барчани нихотда тўқилангирчи юборди. Нима ҳам дердим, Оллоҳқа ҳамду сано ўлди, шу Ватанга сакла қилиб яшаш, ишлаш барча учун шарофдир.

— Тиллақларингиз...

— Худойим халқа тани соғлиқ, хотиржамлик, юртга тинчлик берсин. Ҳақамизнинг хонадонимизда тўй бўлсин. Юртошимизнинг умрлари узок, тани-жонлари соғ бўлсин.

Дония ЗОКИРОВА.

СУРАТДА: Рихси ота Абдуҷабборов чевараси билан.

Рашид Галиев олган сурат.

Мозийга қайтиб...

ИСТЕЪДОДГА ТАН БЕРИШ

Зайниддин Восифий шундай нақл қиладики, Шоҳ Бойсункур ибни Шоҳруҳ мирзо Боги Сафедда надиҳлари билан хордик чикариб утирганда унинг хузурига забардаст қоматли, баланд бўйли, бошида йиртик саллаво эғида сарбонлар жомасини кийиб олган бир киши кириб келади. Подшо келувчини кўриб:

— Кимсан? Қаерликсан? Нима иш билан келдинг? — деб сўрайди.

— Мен шоирпеша одамман, — дейди ҳалғи одам. — Узоқ Нишопур вилоятидан келдим.

— Қомату дасторинга муносиб бир байт айт-чи, — дейди шоҳ.

Келгүчи бу заҳотиёқ бир байт тўқиди:

Қадди бўланд дорама дастор пора-пора.
Чун ошённи лайлак бар кулла минора.

(Қаддим баланд, дасторим пора-пора. Лайлак ин қўйган минорага ўхшайман).

Подшо хандон отиб қулиб, унга ўз ёнидан жой берди ва Котибий тахаллусли бу шоирни сарой шоирлари қаторига қўшди.

Бойсункур мирзонинг Бобо Савдой деган шоири ҳам бор эди, унга малакхушаро деб ном берган эди. Бир кун у Котибий ва Бобо Савдойга қасида буюрди, ҳар иккисини ўзаро синаб кўрмоқчи бўлди. Бобо Савдой чуқур гамага чўкди, чунки Котибий оламнинг машҳур шоирларидан бўлса, унга бас келарли қувватни қаердан олсин? Ахир, «Шер панжаси олдида кўенда қолмас мажол», дейдилар-ку. У шундай ташвишда турганда бир гуруҳ ёш шоирлар келиб қолишди. Улар Бобо Савдойни ниятда ҳурмат қилишарди. Уни гапнинг ҳолда кўриб сабабини сўрашди. Шоир уларга шундай деди: «Эй дўстларим, жоним бўстоннинг райхонлари! Мен пок ному билан яшадим, умримда мағлуб бўлмадим. Бирон киши мени ному сарпанжаси билан урмади. Ҳозир голиб бир ғаним пайдо бўлди. Подшо уни мен билан мусобақа қилдирмоқчи».

Ешлар унга: «Бобо, сиз асло ғам еманг! Биз мавлоно Котибийни шундай машҳур қилайликки, уша қасидасини ёзулмасдан, эртага подшо мажлисида ҳижолат ва шарманда бўлмай», — дейишди ва тўпларча Котибийнинг ҳужрасига бостириб боришди. У қасиданинг энди тўрт байтини ёзиб бўлган экан. Ешларни кўриб Котибий хайрон бўлди, аммо уларни уйдан чикариб юбормади. Улар эса турли саволу ҳикоятлар билан эрталабча банд қилишиб, шеър ёзишга имкон беришмади.

Тонг отди... Шоҳ шоирларни чорлади. Котибий ва Бобо Савдой ҳам келишди. Аввал Котибий ўз қасидасини ўқисин, деб буюрилди. Котибий ёнидан ўша тўрт байт битилган қозончи чикарди ва унга қараб ўқий бошлади, ўттизинчи байтга етганда ёнидаги шоирлар таажубу изҳор қилишди. Подшо бунинг сабабини сўради, ўша шоир таъзим билан: «У тўтиб турган қозонда бор-йўғи тўрт байт шеър ёзилган. Бу одам ўттиз байт айтди. Хали яна ўқимокчи. Биз шунга таажубдамиз», — деди.

Подшо бунинг сабабини сўради. Шунда Котибий: — Кеча тўрт байт ёзилган эди. Бир гуруҳ дўстлар меҳмон бўлиб келишди. Бошқа ёзишга фурсат бўлмади. Подшо бу бандани чорлаганларида уэр айтишга кўнглим бўлмади. Шу тўфайли бу қасидани бадеҳа тарзида ўқий бошладим.

Бойсункур мирзо ва бошқа шоирлар унга «Офарин!» — дейишди. Бобо Савдой хайрат билан ёқа тўтиб: «Сенинг тўғрингда нима яхши гап эшитган бўлсам, ундан минг чандон ортик экансан», — деб ўзининг иш ҳамкасбига тан бериб, бош эгди.

Ха, ҳақиқий истеъдод истеъдодни тан олади, фақат ясамалар, истеъдоди бўлмаганлар ҳасад қилади.

Мухтор ХУДОЙКУЛОВ.

Пойтахтимиздаги ҳайвонот боғи муҳим ўзгаришлар арафасида турибди. Ҳайвонот боғи раҳбарининг илмий масалалар бўйича ўринбосари Азиз Ирисметов бизга шу хусусда гапириб берди.

— Ҳозир сиз кўриб турган мазкур ҳайвонот боғининг ўрнида, — дея гап бошлади Азиз аха, — генерал-губернатор Кауфманнинг шахсий музейи ва унинг ёнида чоғроқ ҳайвонотхона жойлашган. Кейинроқ, 1924 йили Урта Осиё Давлат университети ҳонотшуносларининг саъй-ҳаракати билан 3,8 гектар сатҳи эгаллаган майдонда расман ҳайвонот боғи вужудга келди. Ҳозирги кунга келиб эса боғда 200 дан ортик турдаги 2,5 минг жониворни парвариш қилаяпмиз. Яқинда вакилларимиз Евроосий ҳайвонот боғлари минтақавий бирлашмасининг Москвада ўтказилган йиғилишида иштирок этдилар. Бу ташилотнинг асосий вазифаси ёввойи ҳайвонларни сотиб олиш, кўпайтириш, алмашлаш билан боғлиқ бўлган ишларда китъадаги ҳайвонот боғларига амалий кўмак беришдир. Шунингдек, фаолиятимиз савиясини янада қўқор даражага кўтариш мақсадида 25 ҳодимни малака ошириш учун Германияга жўнатаяпмиз.

Шу кунларда эса кўшим билан боғлиқ бўлган юмуш-тадбирлар билан бандмиз. Хабарингиз бўлса, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ бизга Ботаника боғидаги бўш ётган сайҳонликлардан 24 гектар ер ажратилиб, 1994 йилда янги ҳайвонот боғи қурилиши бошланган эди. Жорий йилнинг декабрь ойида асосий қурилиш ишлари аяқланади. Янги ҳайвонот боғи Марказий Осиёдаги ягона, ўхшаши йўқ маскан бўлади. Шундай деб фикр билдиришим учун жиддий асослар бор.

Чунончи, янги ҳайвонот боғида кафас, девор, ойна сингари тўсиқлар бўлмайди — ҳар бир ҳайвон тури учун

махсус иқлим шароити яратилган майдончалар бўлади. Яъни, айтайлик, маймунлар ўзларини зах тропик ўрмонларда, тоғ эчкиси қўятошлар орасида, илонлар эса саҳрода юргандек ҳис қилади. Одамлар хавфсизлиги эса бирон-бир табиий тўсиқ, масалан, жарлик, сунъий қўллар ва бошқалар воситасида таъминланади. Боғнинг «Сафари» қисмида жирафалар, ёввойи кўтослар, зебралар бамайлихотир ўтлаб юради. Булардан ташқари янги ҳудудда акула, тимсоҳ, денгиз тошбакалари учун улкан аквариумлар барпо этилаётипти. Аквариумларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, мазкур сув йиртқиҳларини исталган тарафдан — ёнидан, тағидан, қоридан қўзатиш мумкин бўлади. Шунингдек, боғ ҳудудиди бутун

Тошкент ҳайвонот боғи қандай бўлади?

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

дунёдан келтирилган нодир ва камёб ўсимликлар — банан, кокос, кофе, қайуқ дарахтларини ўстириш мўлжалланмоқда. Оқ айиқ, пингвин каби шимол ҳайвонлари учун совуқтўғилли махсус бўлмалар ишга туширилади. Бугунги кунда бизда 124 нафар ҳодим фаолият кўрсатаёпти, янги ҳайвонот боғида эса 500 дан ортик хизматчи 400 турдаги жониворни парвариш қиладилар. Режаларимизнинг қўламини кенг: янги боғни ҳайвонлар билан тўлдириб учун бошқа давлатлар билан шартномалар имзолаган Россиядан одамсимон маймунлар, Қозғистондан жирафа, Чехиядан қарқидон, Украинадан эса оқ айиқ келтирилади.

— Ҳайвонот боғининг фахри бўлган



Қ а р а н г , ш а х р и м и з кўчалари қандайин гўзал, ораста, серфайз. Уларда қатнаётган машиналарнинг оқими бир зум бўлса-да тинмайди, пурвиқор, осмонўпар бинолар эса шаҳар кўркамга ўзгача жозоба бағишлайди.

Ибратли ҳикоят

ЧАКИМЧИЛИК — ЁМОН ИЛПАТ

Бир киши ҳазрат: Имом Сажход қошига келиб деди: — Фалон шахс кеча сиз ҳақингизда ҳар хил ёмон гаплар айтди. Сизга кўп тўхматлар ёғдириб.

Имом Сажходнинг дўстларидан бири сўради: — У кўпчилик орасида сўзладими?

— Йўқ, мени чақириб айтди.

Имом Сажход дедилар: — Ғийбат тўхматлар учун худонинг олдида жавоб беради. Ҳар бир яхши-ёмон ишнинг мукофоти бор. Ҳеч ким ёмонларнинг тўхматидан омонда эмас. Ҳатто Расулulloҳга ҳам тўхмат ёғдирганлар. Аммо сен ҳам яхши иш қилмадинг, чунки бизга бу хабарни олиб келдинг. Бир томондан сўхбатдошнинг хийнат қилди. Иккинчи томондан бизга ҳам дилозорлик қилдинг, ваҳоланки биз бу сўзларни эшитмаган эдик. Бундан буюн чақимчиликдан парҳез қил. Шунинг биланки, агар ким одамларнинг айбини бошқалар орасига ёйиб юрсалар, ўзи гуноҳкор бўлиб қолади.

Бахриддин ТУРҒУНОВ тайёрлаган.

Шаҳар прокуратураси идораларининг ходимлари, ҳуқуқий муҳофаза этувчи бошқа идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳолда ёш мустақил давлатимизнинг дахлсизлиги, фуқароларнинг тенглиги ва оқсоийишга яшашларига салмоқли ҳисса қўшишмоқда.

Мазкур вазифаларни тўла-тўқис амалга оширишда, албатта кадрларни тўғри танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш муҳим ўрин тутаяди.

Ҳозирда шаҳар прокуратурасида пойтахт прокуратура идораларига теъкор ходимлар учун захира тайёрлаш, жойларда жамоатчилик ишини ташкил этиш мақсадида прокуратуринг жамоатчи ёрдамчиларига таяниб фаолият кўрсатиш усули тadbик этилмоқда. Бу, албатта, прокуратура идоралари фаолиятини қамқолаштириш борасида ўзига хос босқичдир. Бизнинг Тошкент шаҳар прокуратурининг кадрлар билан ишлаш бўйича катта ёрдамчиси Мирзохид Обидов билан суҳбатимиз ҳам прокуратуринг жамоатчи ёрдамчилари тизими хусусида бўлди.

— Мирзохид Ҳаётович, прокуратуринг жамоатчи ёрдамчилари тизими фаолияти қандай ташкил этилиши тўғрисида сўзлаб берсангиз.

Бажонидил. Тошкент шаҳар прокуратурасининг прокурор-тергов ходимлари, шу жумладан, унинг деворли уйдан бир қисмини ташкил этувчи ёш мутахассислар Республика прокуратурасининг ажралмас бир қисми сифатида конституциявий талабларга асосан қонун устуворлигини таъминлаш, барча идора ва фуқароларнинг қонунийларга амал қилиши, уларнинг ҳуқуқларига ҳақдорликни таъминлашга эришиш учун кенг қўлама иш олиб бормоқдалар.

Қонулар ижросини таъминлашга масъул бўлган прокуратура ходимларини тайёрлаш, уларда яхшиликка интилиш, миллий гуруҳ каби хислатларни шакллантириш масалалари раҳбарият ва бу ишга бевоасита масъул ходимларнинг до-

фаолиятига жиддий ёндошила-япти.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, прокуратуринг жамоатчи ёрдамчилари тизими, прокуратура идораларида ишлашга иштироки бўлган олий маълумотли ҳуқуқшуносларнинг шахсий, шахсий хулқ-атвори, ишчанлик қобилиятларини чўқур ўрганиш босқичи ҳисобланиб, улардан келгусида кадрлар захирасини ташкил этиб бўладиган ўринларни тўлдирлишга хизмат қилади.

— Кимлар жамоатчи ёрдамчи бўла олади?

— Авваламбор, прокуратуринг жамоатчи ёрдамчилари иши Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурининг буйруғи билан

Ҳуқуқий давлат сари

ПРОКУРАТОРИНГ ЖАМОАТЧИ ЁРДАМЧИЛАРИ

ташдиқланган «Прокуратуринг жамоатчи ёрдамчилари тўғрисида» Низоми асосида ташкил этилади.

Бу Низоми талабига биноян олий юридик маълумотли ёки юридик институтларида сиртдан таҳсил олаётган, иш ўрганиш истагини билдирган Республикамиз фуқаролари прокуратуринг жамоатчи ёрдамчиси сифатида ишга жалб қилиниши мумкин.

Жамоатчи ёрдамчилар албатта қорхона, ташилотларда хизмат қилишлари, асосий иш жойларидан ижобий тавсифланганлиги шарт.

— Жамоатчиларни расмийлаштириш тартиби қандай

моатчи ёрдамчи этиб туман прокуратурасига бириктириш ҳақида қарор қабул қилинади.

Ушбу қарор асосида шаҳар прокуратураси буйруқ чиқаради. Сўнг номзод туман прокуратурасига юборилиб, теъкор ходимлардан бирига бириктирилади. Ҳар 6 ойга шахсий иш режаси тузилади ва ҳақиқатда бақарилган ишлари кўрсатилиб, шаҳар прокуратурасига тақдимнома юбориб турилади.

Жамоатчилар қамда 6 ой ишлаганларидан сўнг эса уларни прокуратура идораларига ишга қабул қилиш учун захирага олиш масаласи кўриб чиқилади.

— Прокуратура идораларига йўллана билан ҳам ишга қабул қилинади?

Ҳа, албатта, прокуратура идораларига юридик институтнинг қўнғуғи бўлимини тўғатган ходимлар ҳам ишга қабул қилинади. Шаҳар прокуратура идораларида, бундай ходимлар учун 7 та иш ўрни ажратилган.

— Мирзохид Ҳаётович, айтингчи, йўллана билан ишга юборилган ходимлар билан жамоатчилик асосида ишга қабул қилинган ходимларнинг иш фаолиятларида қандай фарқ, ўзгаришлар бор, уларнинг меҳнат натижалари қандай?

— Шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки, жамоатчилик асосида прокуратура иш фаолияти билан яқиндан танишиб иш ўргатган ходимларнинг ақсариёти, албатта, йўллана билан юборилган ходимлар тайёргарлигига нисбатан юқори. Уларни теъкор вазифада иш ўрганишини ташкил этишда ҳам қийинчиликлар қамқоридир.

Буллар, албатта, ходимларнинг иш кўрсаткичларида ҳам яққол кўринаёпти. Масалан, жамоатчилик мақбасини ўтаб, қайин теъкор вазифага қабул қилинган У.Хамиджонов, А.Расулов, А.Жўраев, Б.Ирисметов, Ж.Ғайезевларнинг шахсий иш режаларини бақаришдаги иш кўрсаткичлари бирмунча юқори.

Тошкент шаҳар прокуратураси ўз ходимлари сафларини малакали, ишчан, ҳалол ва пок кадрлар билан тўлдириб мақсадида жамоатчи ёрдамчилар тизимини қучайтириш йўналишида фаолиятини давом эттириверади.

Дилшод ИСРОИЛОВ сўхбатлашди.

Энди тўрттови қилиниш учун жавоб беришади.

МАГАДАНЛИК МУҒОМБИР

Мирзо Улугбек тумани ички ишлар бошқармаси ходимлари одамларни алдаб пулини олиб юрган Россия Федерациясининг Магадан шаҳарли В. Стадиченкони қўлга олишди. У шахримизда қандайдир йўллар билан кириб келган. Бели оғримай пул тоғиш мақсадида қилишларни алдаб пулини олиб юрганида жиноят устида ушланди. В.

Ножўя иш — келтирар ташвиш

Стадиченко «Махсусмонтаж» қурилиш бошқармасида ишловчи В. Раҳимовдан 53 минг сўм пулни тоғламанчилик йўли билан ундириб, қомқоқчи бўлган. Энди у қонуларимизда белгиланган жазони олади.

ҚОРАДОРНИ БИЛАН ҚўЛГА ТУШДИ

Ҳеч қарда ишламайдиган Б. Ботирини ички ишлар ходимлари Орифжонов, Қурбоналиев, Икромов ва Валиевлар тўхтатиб текширишганида унинг ёнидан қорадори гиёвандлик моддаси чиқди. Мирзо Улугбек туманидаги уйлардан бирида яшовчи бу йигит гиёвандлик моддасини қаердан олгани ва қимга, нимага олиб кетаётганлиги

тўғрисида ҳозир терговда жавоб бермоқда.

ТОВЛАМАЧИ ТУМШУҒИДАН ИЛИНДИ

Шаҳримиздаги 3-автомобиль транспорти қорхонасида ҳайдовчи бўлиб ишлайдиган М. Илхомга нима етишмас экан? Тўпга-тўзук қасб эгаси бўлган бу қимса ҳам жиноятга қўл уриб мана бугун қўлини-қўлиниш деяр ҳайрон бўлиб ўтирибди. Гап шундаки, у шахримиздаги 1-нон заводининг ишчиси Т. Маннондов 5 минг АҚШ долларини товламачилик йўли билан ундириб уни ҳар хил йўллар билан қўрқитади. Шунча пулдан ажралиб қолган Маннон товламачининг қилишларини ички ишлар ходимларига етказганидан кейин у қўлга олинди. Бугун тадбиркор, ишбилармон ва бошқа хусусий мулк эгаларининг қўлаётгани ҳаммамиз учун ҳам қувонарли ҳол. Аммо шундай ҳалол кишилар номидан иш юртиб уларнинг номларини сотаётган юқоридagi Илхомга ўхшаган кишилар билан асло мурося қилиб бўлмайди.

Мирза АБДУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар ИИББ матбуот хизмати ходими.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

«Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмасига қарашли «Йўловчитранссервис» БХХМ шаҳар жамоат транспортидан бепул фойдаланадиган йўловчиларга ягона гувоҳномаларни бериш тартибини маълум қилади. Ягона гувоҳномалар қуйидагиларга берилади:

— 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари жумласидан бўлмиш ҳарбий хизматчилар. Гувоҳнома олиш учун Иккинчи жаҳон уруши қатнашчисининг гувоҳномаси, шаҳар пропискаси бўлган паспорт ва иккита 3x4 расм зарур.

— 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари. Гувоҳнома олиш учун Иккинчи жаҳон уруши ногиронининг гувоҳномаси, шаҳар пропискаси бўлган паспорт ва иккита 3x4 расм зарур.

— 1941-1945 йиллардаги уруш даврида фронт ортида фидокорона меҳнати ва бенуқсон ҳарбий хизмати учун орден ва медаллар билан тақдирланган шахслар. Гувоҳнома олиш учун социал таъминоти томонидан берилган гувоҳнома, шаҳар пропискаси бўлган паспорт ва иккита 3x4 расм зарур.

— Афғонистонда ва бошқа мамлакатлар ҳудудидаги жанговар ҳаракатларда қатнашган собиқ байналмилалчи жангчилар бўлмиш фуқаролар. Гувоҳнома олиш учун имтиёзли фойдаланиш учун берилган гувоҳнома, шаҳар пропискаси бўлган паспорт, ҳарбий билет ва иккита 3x4 расм зарур.

— Чернобыль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошидан кечирган шахслар. Гувоҳнома олиш учун ЧАЭС қатнашчиси гувоҳномаси, шаҳар пропискаси бўлган паспорт, ногиронлиги ҳақида ВТЭК маълумотномаси ва иккита 3x4 расм зарур.

— Кўзи ожиз ногиронлар. Гувоҳнома олиш учун кўзи ожизлар жамиятининг аъзолик гувоҳномаси, шаҳар пропискаси бўлган паспорт, ногиронлиги ҳақида ВТЭК маълумотномаси ва иккита 3x4 расм зарур.

Гувоҳномаларни ёзиб бериш 1996 йил 1 октябрдан Темур Малик кўчаси 3-а уйда (3-трамвай-троллейбус депосида) берилади.

Манзилга борадиган йўналишлар: 9, 18-троллейбуслар, 6, 13-трамвай, 83, 96-автобусларнинг «Чимган» магазини бекати.

Иш вақти 8.00 дан 17.00 гача. Тушлик вақт соат 12.00 дан 13.00 гача.

Маълумот учун телефон: 63-38-96.

Биринчи гуруҳ Иккинчи жаҳон уруши ногиронларини, кўзи ожиз ногиронларни қучатиб борувчиларга гувоҳнома берилмайди. Улар юқориди баён қилинган шахслар билан бирга текин юрадилар.

Ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар, старшиналар, прапоршиқлар, катта прапоршиқлар, мичманлар ва катта мичманлар шаҳар транспортда ҳарбий кийимда гувоҳномасиз, ҳарбий кийимсиз эса, шахсий гувоҳнома билан юрадилар.

«Йўловчитранссервис».

«Тошкентушйинвестқурилиш» корпорацияси бошқаруви Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазир О. Обидовга қизи

Наргиза Оқиловна РУСТАМОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

TOSHKENT OQSHOMI

Муассис:

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Манзилимиз:

700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32



Телефонлар:

хатлаар — 33-29-70;
эълонлар: 33-08-74;
факс: (3712) 33-08-74

Душанба, торшанба ва ғулла кунлари чиқади.

Нашр қарорайиши 64690

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлима-рига ёки «Тошкент почтаси»га 33-74-05 телефони-га мурожаат қилишнинг мумкин.